



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOGLIQNI SAQLASH VAZIRINING
БУЙРУҒИ

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби
тўғрисидаги низомнинг 6-бандига қўшимча киритиш ҳақида

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 апрелдаги 191–сон “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида “IT-visa” жорий этилганлиги ҳамда алоқа объектлари давлат кадастрини юритиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ **бюроман**:

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 25 мартдаги 7-сон буйруғи (рўйхат рақами 3355, 2022 йил 28 март) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.03.2022 й., 10/22/3355/0248-сон) билан тасдиқланган Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда, “IT-visa”га эга бўлган хорижий фуқаролар, шунингдек уларнинг оила аъзолари (турмуш ўртоғи, ота-онаси ва фарзандлари) тиббий хизматлар учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тарифлар бўйича ҳақ тўлаш ҳуқуқига эга.”.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир



Inoyatov A. S.

Тошкент ш.
2023 йил 14 июнь,
18 сон